

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 14 декабрь, № 243 (5663) Жума


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.**





Д. Козакнинг мамлакатимизга ташрифи давомида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур комиссия иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг жорий масалаларини ҳал этиши, шу билан бирга, ҳамкорлик учун янада қулай шароит яратишга кўмаклашиши лозимлигини таъкидлади.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ўтказилган музокараларда Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро товар айирбошлашни тубдан диверсификация қилиш ва сармоявий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидладилар. Музокаралар якунлари бўйича ҳамкорликнинг янги босқичдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасида товар айирбошлашнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Масалан, 2011 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 6,668 миллиард АҚШ долларини, жорий йил январь — сентябрь ойларида 5,580 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Россия сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Бугун Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 858 корхона фаолият кўрсатмоқда, Россиянинг 106 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ва кенг кўламли йўналишларидан биридир. Жумладан, «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари томонидан Ўзбекистон ҳудудида углеводород конларини қазиш бўйича қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оқсаройда ўтган музокаралар чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Д. Козак давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни изчил чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

*Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 13 декабрь куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, нефть-газ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, енгил саноат, фан-таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Рустам Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Россия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларга асосланади. Ўзаро савдо ҳажми изчил ўсиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Олий суд Пленумида

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Мазкур тадбирда Олий суд судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Омбудсман, Бош прокуратура вакиллари, фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоятлар, унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий суд раиси Б. Мустафоев таъкидлаганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида изчил тарзда амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланиб, унинг жамиятдаги мавқеи тобора ошмоқда. Айни чоғда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кутилган самарасини бераётир. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борадаги фаолиятни янги босқичга кўтарди. Концепцияда жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ҳозирги пайтда улар ижроси юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

Вокеалар, янгиликлар, хабарлар

● **Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши: мақсад-вазифалар, янги йил режалари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

**Мазкур тадбир давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланди.**

● Пойтахтимизда Республика Маънавият тарғибот маркази тизимида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда маънавий-маърифий тарғиботнинг ўрни, бу борада жойларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

● **Тошкентда Ўзбекистон хотин-қизларининг "Олима" уюшмаси ташаббуси билан давра суҳбати ташкил этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олима хотин-қизлар қатнашди. Тадбирда уюшма саъй-ҳаракати туфайли илм-фан билан машғул хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар эътироф этилиши баробарида, фаол олима аёлларга эсдалик совғалари топширилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалаларига бағишланди

*Шанхайда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлик масалаларига бағишланган бизнес анжумани бўлиб ўтди.*

## Биз ва жаҳон

"Lonking" машинасозлик холдинг компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон — Хитой савдо уйи, "Ўзбеклизинг", "Ҳамкормашлизинг", "Ҳамкор энд лизинг", "Габус", "Прайм Керамикс" ва "Арт Хаус Консалтинг" қўшма корхонаси сингари компаниялар вакилларидан иборат мамлакатимиз делегацияси аъзолари қатнашди.

Анжуман чоғида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ушбу ҳамкорликка ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз сармоявий сиёсатининг устувор йўналишлари, шунингдек, Ўзбекистонда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнлари, иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан эришилган натижалар билан атрофлича танишдилар.

**"Lonking" холдинг компанияси директорлар кенгаши раиси Ли Синьянь** ўзининг сармоявий сиёсат борасидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда жозибадор сармоявий муҳит яратилгани ҳолда, хорижлик сармоядорлар учун қулай шарт-шароит ва имтиёзлар мавжуд эканлигини айтиб ўтди.

"Хитой учун Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга, — деди у, жумладан. — Биз ахборот технологиялари, сармоя ва савдо сингари соҳалардаги алоқаларнинг янада кенгайишидан манфаатдормиз.

(Давоми 2-бетда).

## Ифтихор

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари таклифи билан келаётган йил мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди. Айтиш жоизки, бу юрт равнақи, эл фаровонлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган навбатдаги ҳаётий ва халқчил ташаббусдир. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз, кенг жамоатчилик ушбу таклифни кўтаринки кайфият, қувончу хурсандчилик билан кутиб олди.*

*Бунга Олий Мажлис Сенати аъзолари билан суҳбатлашганимизда ҳам яна бир бор амин бўлдик.*

# Эзгу ташаббус

**халқимизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда**

**Абдумавлон МАҲМУДОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Сардоба туманидаги "Барака" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Президентимизнинг маърузасини катта ҳаяжон ва эътибор билан тингладик ҳамда она-Ватанимиз барқарор ривожланиш йўлидан дадил одимлаётганидан чексиз ғурурландик. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимиз ва давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати шарофати билан истиқлолнинг илк йилларидаёқ узоқни ўйлаб ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" ҳаётга татбиқ этилди. Бу барча соҳалардаги ютуқларимизга асос бўлмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалигининг таянч институти — фермерлик ҳаракати йилдан-йилга равнақ топиб, аграр тармоқни ҳаракатлантирувчи етакчи кучга айланди. Бинобарин, бугунги кунда фермер хўжаликларида етиштирилган ҳосил нафақат нест-нобуд қилинмасдан йиғиб олинмоқда, балки қайта ишланиб, тайёр маҳсулотлар сифатида халқимизга етказиб берилмоқда. Бу, ўз навбатида, рўзғоримизга барака киритмоқда.

Бизнинг фермер хўжалигимизда ҳам яқин кунларда ғишт заводи ишга туширилади. Мақсадимиз — аҳоли ҳамда қурилиш ташкилотларини сифатли, рақобатбардош қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш, шу орқали ҳудудимиз ва юртимизнинг янада ривож топишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

**Насриддин САДРИДДИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими раиси:**

— Давлатимиз раҳбари томонидан келгуси йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди. Бундай эзгу ташаббус мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини сифат ҳамда самара жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади, албатта.

Маълумки, оилалар мустаҳкамлиги, турмуш ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни ниҳоятда беқиёс.

(Давоми 2-бетда).

*Юртимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида банк-молия тизимида улкан ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.*

## Хушхабар

# Банк фаолияти ва эътироф

Бугунги кунда республикамиздаги аксарият молия муассасаларининг фаолияти жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилаётгани, шунингдек, уларнинг ишончли ва кафолатли хизматларига аҳоли орасида эҳтиёж ортиб, банк-мижоз алоқалари тобора эркинлашиб бораётгани шундан далолат беради. Банклар фаолиятининг бу қадар такомиллашувида Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Яқинда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкига Буюк Британияда чоп этиладиган "The Banker" журнали томонидан "2012 йилнинг энг яхши банки" баҳоси берилиб, жамоага мазкур нашр асосчиси Бренден Брекеннинг бронза ҳайкалчаси тақдим этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки "Микрокредитбанк" юртимиздаги йирик молия институтларидан биридир. Асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги корхоналар ташкил этиш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга ихтисослаштирилган ушбу молия муассасасининг имтиёзли маблағларидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Банк томонидан жорий йилда соҳа вакилларига 376 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани, шунингдек, 195 миллиард сўмлик имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилгани, бунинг эвазига республикамиз бўйича 100 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, "The Banker" журнали мукофоти банклар фаолиятини баҳоловчи юксак мезон бўлиб, у ҳар йили битта молия муассасасига топширилади. Шу боис журнал мукофотини қўлга киритиш учун дунёнинг етакчи банклари даъвогарлик қилади.

(Давоми 2-бетда).

# Осуда ҳаётимиз кафолати

*"Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасидан.

## Ватан ҳимоячилари куни олдидан

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик. Алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизда акс этган ҳар бир тамойилнинг давлатимиз ривожида тутган ўрни ниҳоятда беқиёс. Буни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги улкан муваффақиятлар, одамларимиз учун муносиб турмуш шароитининг яратиб берилаётгани, миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг қайта тиклангани, Ўзбекистонимизнинг тобора чирой очиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# Эзгу ташаббус

## халқимизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг учун қабул қилинадиган Давлат дастурида фуқаролик жамиятининг ушбу ноёб институтини янада тараққий топтиришга алоҳида эътибор қаратилиши, шубҳасиз. Бу эса маҳалланинг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фуқаролар ўртасида тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш маркази сифатидаги ролини янада оширади.

Буларнинг барчаси аҳоли даромадларини кўпайтириш асосида унинг турмуш даражасини бундан-да яхшилаш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун обод турмушни таъминлашга хизмат қилади.

**Фарида АБДУРАҲИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари,**
**шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— 2013 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давомидир. Таъкидлаш жоизки, юртимизда халқимиз фаровонлигини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Шунга муштарак равишда келгуси йил учун ишлаб чиқиладиган Давлат дастури асосида ушбу йўналишда, хусусан, ҳар бир оила бахту саодати, мамлакат ободлигини таъминлашга қаратилган шарт-шароитлар ва имкониятларни янада кенгроқ яратишга эътибор қаратилади.

Барчамизга аёнки, ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири — янги иш ўринлари яратиб, хонадонларнинг моддий салоҳиятини юксалтиришдан иборат. Янги йил учун режалаштирилаётган ислоҳотлар замирида ҳам ана шу эзгу анъана ўзининг яққол инъикосини топиши, шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан айтганда, 2013 йил пойтахтимизда 82 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Унинг ярмидан кўпи аёллар ва ёшлар ҳисобига тўғри келади. Бу эса мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганининг тасдиғидир.

Ишончимиз комилки, барча юртдошларимиз, жумладан, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, унинг бошланғич ташкилотлари вакиллари ҳам Президентимиз ташаббусига жавобан бор куч-ғайратини аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини оширишга қаратиб, қабул қилинадиган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб бериладиган вазифаларни бажаришда янада фаоллик кўрсатадилар.

**С. МАХСУМОВ**
**ёзиб олди.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон Россиянинг ташқи савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради, — деди Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Дмитрий Козак. — Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошаётгани эътиборга молик. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдордир.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, автомобилсозлик, авиаташув, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Н. МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг бандлик ва меҳнат вазири Ли Чэ Пил раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Актам Ҳаитов билан учрашди.*

# Ҳужжат имзоланди

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналиш қатори иқтисодий соҳада, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлик даражасини ошириш йўналишида ҳам изчил тараққий этаётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир.

Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган тўрт юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз машинасозлик, энергетика, енгил саноат, фармацевтика, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари, нефтькимё ва электрон техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш борасида ҳам Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOIKA) билан ҳамкорликда Тошкентнинг Сергели туманида ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш марказида юзлаб ёшлар машинасозлик, электротехника, электроника, ахборот технологиялари, автомобилларга хизмат кўрсатиш каби йўналишларда таҳсил олмоқда.

Учрашувда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш борасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Танлов

*Пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2012" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# Ғолиблар муносиб тақдирланди

Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу танлов илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари, илғор халқаро тажриба ва тараққиёт анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга хизмат қилмоқда. Танловга олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва умумий ўрта таълим ўқув адабиётлари ва қўлланмаларидан иборат 191 номдаги адабиётлар тақдим этилди.

Айтиш жоизки, мазкур танлов тайёрланаётган ўқув адабиётлари сифатининг янада яхшиланиши, уларнинг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги авлод дарсликларини яратиш, муаллифлар жамоасини шакллантириш ва уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

— Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчиси, танлов ғолиби Нурилла Гултўраев. — Шу боис мен ушбу соҳага оид барча маълумот ва дастурларни яхлит ҳолда дарслик сифатида тайёрладим. "Телекоммуникация тармоқлари" деб номланган ўқув қўлланма нафақат университетимиз, балки ушбу йўналишда таҳсил олаётган барча олий ўқув юртлари талабаларига ҳам мўлжалланган. Ушбу тадбирнинг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани эса мамлакатимиз зиёлиларига қаратилаётган юксак эътибор, қолаверса, катта рағбат намунасидир.

Тадбирда иштирокчилардан 71 дарслик ва қўлланмалар муаллифлари "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2012" ғолиблари, дея эътироф этилдилар.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

# Олий суд Пленумида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, Конституциямизда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари акс этган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора тартибда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Олий судда ишлаб чиқилиб, Пленум муҳокамасига киритилган "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Бу қарор Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг мантиқий давоми бўлди. Зеро, ушбу ҳар иккала ҳужжат ҳам жиноят процессида қонунийликни таъминлаш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган ҳамда уларда ашёвий далиллар тушунчасига кенг ўрин берилган. Маълумки, ашёвий далиллар жиноят ишида шахс айбини тасдиқловчи асосий далиллардан бири ҳисобланади.

Мажлисда ашёвий далил тушунчасига ҳуқуқ назариясида кенг таъриф берилгани, аммо шунга қарамай, амалиётда унинг айрим жиҳатлари бўйича турли мунозаралар келиб чиқаётгани айтиб ўтилди.

Олий суд Пленуми йиғилишида муҳокама этилган қарорда ашёвий далилларни олиш, уни процессуал тартибда расмийлаштириш, сақлаш, суриштирув, дастлабки тергов, суд муҳокамаси давомида баҳо бериш каби бир қатор масалаларга аниқ таъриф берилган. Бу эса ашёвий далиллар билан боғлиқ юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш орқали одил судловни амалга ошириш имконини беради. Эътиборлиси, мазкур қарор нафақат судьялар, балки суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахслари учун ҳам жиноят ишларини юритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Нафис, бежирим, харидоргир

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланиб улгурди. Айниқса, тадбиркорлик ҳаракатининг қишлоқ жойларда кенг қулоч ёзаётгани ўз самарасини бераяпти. Ички бозорни тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда мазкур соҳанинг ўрни катта бўлмоқда. Буни Қоракўл туманидаги "Мўйначи ҳунарманд" фермер хўжалиги қошида фаолият кўрсатаётган тикувчилик корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.*

## Кичик бизнес

...Райҳон Ортиқова — қўлигул уста. Ўз касбига меҳр қўйган. Кунт билан ишлайди. Ҳеч қачон эринмайди. Билганларини ёшларга ўргатишдан чарчамайди. Ҳар бир юмушни дизайнер Насиба Йўлдошева билан маслаҳатлашиб бажаришга одатланган. Шу боис бичган кийимлари хушбичим, кўркам, нафислиги билан ажралиб туради.

— Қоракўл теридан аёлларбоп кийим-кечаклар тикиш анча мураккаб ва нозик жараён, — дейди Райҳон. — Чунки хом ашёни танлаш, уни ошлашдан тортиб то тайёр либос ҳолига келтиргунга қадар бўлган жараён кишидан сабр-тоқат, нозик дид ва синчковликни талаб этади. Қоракўл теридан либослар тикишга иштиёқманд бир қизга бу касб сир-асрорларини ўргатиш учун қарийб икки йил вақт сарфланади. Ўзимга келсак, мана, ўн беш йилдирки, шу ерда меҳнат қилаяпман. Бир ўғил, бир қизим бор. Шогирдларим кўп. Моҳида Нурматова, Зебо Қурбонова, Зуҳра Саидназарова сингари қизлар шулар жумласидан.

— Коллежни битириб, уч йилдан буён мазкур цехда ишлаяпман, — дейди қизлардан бири Зуҳра Саидназарова. — Тикувчилик, бичувчилик сирларини устозларимдан ўрганиб кам бўлаётганим йўқ. Қолаверса, коллежда олган билимим қўл келаяпти. Танлаган касбимдан хурсандман. Ишлаб, оиламизга наф келтираётганимни айтмайсизми?!

Дарҳақиқат, тикувчилик корхонасида айни пайтда Зуҳра сингари ёшлардан ўттиз нафари меҳнат қилмоқда.

— Азал-азалдан қоракўл ўзининг жилоси, нафислиги билан бутун дунёга донг таратган, — дейди цех дизайнери Насиба Йўлдошева. — Улардан тайёрланган кийим-кечаклар ҳамиша қадрланган. Биз ҳам ота-боболаримиз анъанасини давом эттиришга ҳаракат қилаяпмиз. Йигирмадан зиёд турли дизайндаги кийим-кечаклар тайёрлаб, буюртмачиларга етказаяпмиз. Тайёр маҳсулотнинг тенг ярми ички бозорда ўз харидорини топаяпти. Қолган қисми эса воситачилар орқали хориж бозорларига чиқарилмоқда. Хом ашёга келсак, уни вилоятимиздаги қоракўлчилик хўжаликлари, фермерлардан харид қилаяпмиз.

Эътиборлиси, бу ерда хом ашё чиқитсиз технология асосида ишланади. Терининг қуроқлари, яъни қийқимлари ҳам маҳоратли тикувчилар қўлида яхлит мато ҳолига келади ва кўрса ҳавас қилгулик бежирим кийимга айланади.

Ҳақиқатан ҳам, Бухоро қоракўлидан тайёрланган кийим-кечакларнинг кўрки бошқача. Рақобатбардош ва сифатли бу либослар соҳанинг истиқболи ҳамда азалий анъаналарнинг давомийлигидан далолат бериб турибди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалаларига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой ишбилармон доираларида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка нисбатан қизиқиш тобора кучаймоқда".

Бизнес анжумани доирасида "Lonking" машинасозлик холдинг компаниясининг асосий дилерларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Холдинг директорлар кенгашининг якдил қарорига биноан, "Lonking" компанияси қурилиш техникаларининг мамлакатимиздаги етакчи дистрибютори ҳисобланадиган Ўзбекистон — Хитой савдо уйи "Энг ўсувчан дилер" мукофотига лойиқ топилди.

Ли Синьянь қайд этганидек, юртимизда амал қилаётган эркин иқтисодий ҳудудлар, Ўзбекистон — Хитой махсус технопарки яратилгани Хитой компанияларини Ўзбекистонда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этишга рағбатлантирмоғи лозим. "Бунинг учун мамлакатингизда барча зарур шарт-шароит ва қулайликлар — сиёсий барқарорлик, ишончли сармоявий муҳит, юқори малакали мутахассислар ҳамда бой табиий ресурслар мавжуд", деди у.

Ли Синьяннинг маълум қилишича, 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг тизимли бўлинмаси сифатида Ўзбекистон — Хитой савдо уйига дилерлик ҳуқуқи берилган ва биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур савдо уйи орқали компаниянинг 100 та қурилиш техникаси сотилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ушбу холдинг компаниясининг ишлаб чиқариш корхонасини очиш ва сўнгра уни маҳаллийлаштириш масаласи кун тартибида тобора долзарб бўлиб бормоқдаки, бу Марказий Осиё бозорини самарали ўзлаштириш имконини беради.

Хитойлик ишбилармоннинг айтишича, стратегик шериклик муносабатларининг йўлга қўйилгани, доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётган меъёрий-ҳуқуқий пойдевор, устувор сармоявий режаларни ўзлаштириш бўйича лойиҳаларнинг мамлакат ҳукумати томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани Хитойдаги йирик корпорацияларнинг Ўзбекистонга бўлган эътибори ва қизиқишини янада оширмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

## Давра суҳбати

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда матбуотнинг роли ва аҳамияти" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

# Ҳуқуқий маданият тарғиботи

Тадбирда юртимизда ўтган йиллар давомида аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани, бунда оммавий ахборот воситалари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар жамиятда адолат тамойиллари барқарорлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этаётгани айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ОАВни либераллаштириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг жамиятимиз сиёсий ва маънавий ҳаётидаги роли ҳамда аҳамиятини кучайтиришга зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, ахборот соҳасининг изчил, эркин ва динамик ривожланиши ҳамда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, бугун 1250 дан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари самарали фаолият кўрсатмоқда, айни чоғда мамлакатимизда мустақил босма ва электрон ОАВ ҳам фаол ривожланаётир.

Тадбирда аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олиш эркинлиги таъминлангани алоҳида қайд этилди. Бу борада деярли барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари интернетда ўз веб-сайтларига эгалиги муҳим аҳамият касб этаётир. Доимий равишда янгиланаётган ва "он-лайн" режимида ишлайдиган веб-сайтлар нафақат юртдошларимиз, шунингдек, халқаро жамоатчиликни ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шундан сўнг бугунги кунда матбуот ва оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб ҳамда масъулиятли вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

— Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВ ролини кучайтириш муҳимлиги аниқ белгилаб берилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шуҳрат Деҳқонов. — Шу боис фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оммавий ахборот воситалари одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеалар ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбар бўлиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантирувчи субъектлар ичида айнан оммавий ахборот воситалари, энг аввало, таъсирчан, тезкор кучга эга восита ҳисобланади.

Шубҳасиз, Концепцияда бу йўналишда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар сўз ва ахборот танлаш эркинликларини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Тадбирда сўзга чиққанлар, ўз навбатида, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бунинг учун ОАВ фаолиятини янада жонлантириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини шакллантиришнинг долзарб йўналишларига ҳам тўхталиб ўтишди. Хусусан, матбуот, радио ва телевидениеда ёритилаётган материаллар сифатини ошириш, танқидий, таҳлилий мақолалар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар сонини кўпайтириш, шу орқали фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга шароит яратиш ҳамда бу борада журналистларнинг ихтисослашуви ва масъулиятини кучайтириш айни муддаодир.

Давра суҳбати якунида муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Осуда ҳаётимиз кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг учун ҳам биз Конституциямизга бахтимиз қомуси, дея таъриф берамиз.

Албатта, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зиммамиздаги улкан масъулиятдир. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида осойишталикнинг қадр-қиммати, унинг нақадар улуғ неъмат эканлигини янада теранроқ англаб етмоқдамиз.

Маълумки, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, унинг армияси ҳимоя қилиши зарур. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофааси давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса юртимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган мазкур ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳолимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди.

Бугунги кун ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки алоҳида руҳий-маънавий хусусиятга, чуқур билим ва тафаккурга, ҳар қандай хавф-хатарни таҳлил қилиш ва тезкор қарорлар қабул қила олиш фазилатларига эга бўлишни тақозо этади. Мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятида булар алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти ҳам Қуролли Кучларимиз сафларига малакали офицер мутахассислар етказиб бераётган олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бу ердан танкчи-қўмондон, танкчи-муҳандис каби кўплаб мутахассисликлар бўйича офицер-кадрлар етишиб чиқмоқда. Муассасамиз энг замонавий жиҳозлар, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, ҳарбий техникалар, тренажёрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув-услубий қўлланмалар, спорт инвентарлари билан тўлиқ таъминланган. Тоғ тайёргарлиги учун махсус йўлак, картинг майдони, отиш ва техник тайёргарлик полигони, стадион, спорт зали, сузиш ҳавзаси курсантлар ихтиёрида. Шунингдек, бир қатор тўгараклар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий билимини бойитиш, улардаги стратегик жиҳатдан таҳлил эта олиш қобилиятларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Таълим даргоҳимиз курсантлари Қуролли Кучлар тизимида ва Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўтказиладиган турли танловлар ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритишаётир. Умумармия ўйинларида доимо етакчилар қаторида тилга олинишлари фикримиз тасдиғидир.

Курсантларнинг маънавий дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида музейларга саёҳат, машҳур шахслар билан учрашувлар, интеллектуал ўйинлар ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган. Қисқаси, Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти ўқув жараёни, бу ерда таълим олаётган йигитларнинг шижоати ва интилувчанлигини кўриб, ушбу масканда чинакам ватанпарварлар, юртнинг асл ўғлонлари камол топаётганига амин бўлиш мумкин.

Президентимиз "Йиллар ўтади, замонлар ўтади, аммо, ҳеч шубҳасиз, миллий армиямизни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар мустақил Ўзбекистонимиз солномасида, янги тарихимиз саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан ёзиладиган буюк воқеалардан бири бўлиб қолади", деган эдилар. Дарҳақиқат, тинч ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш йўлида ҳаётга татбиқ этилган улкан ислоҳотлар, саъй-ҳаракатлар келгуси авлод вакиллари учун ҳамиша ғурур тимсоли бўлиб хизмат қилади.

**Ҳабибулла ХОЛМАТОВ,**
**Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси,**
**«Шуҳрат» медали соҳиби.**

# Банк фаолияти ва эътироф

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йил ушбу нуфузли мукофот соҳиби жаҳоннинг 630 дан зиёд банклари орасидан саралаб олинди. Ғолибнинг фаолияти қатор мезонлар, жумладан, активлар сифати, молиявий барқарорлик, мижозларга реал ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва сон кўрсаткичлари, йирик капитални жалб қилиш, замонавий технологиялар, маҳсулотлар ёки бизнес йўналишларини жорий этиш тажрибалари бўйича баҳоланди.

"The Banker" журнали вакилларининг маълум қилишича, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкини мукофотлаш тўғрисидаги қарор "Bank of the Year Awards — 2012" эксперт қўмитаси томонидан банкнинг жорий йил тўққиз ойи давомидаги фаолияти таҳлили якунларига кўра қабул қилинган.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг бундай мукофотни қўлга киритиши нафақат мазкур молия муассасасига, балки мамлакатимиз банк-молия тизимига берилган юксак баҳодир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com***
***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ____________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ____________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ____________________________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

____________________________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, микдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

____________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

2068R/1314

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Аукционга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) | Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Namangan Qog‘ozi» МЧЖдаги улуш | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Строитель кўчаси, 50-уй | 100 фоиз | 10 фоиз | 3 859 212 000 | 2 008 186,33 |
| 2. | «Bio Mikrel» МЧЖдаги улуш | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош шаҳарчаси | 100 фоиз | 10 фоиз | 2 179 274 300 | 1 156 267,04 |
| 3. | «Nukus Agro» МЧЖдаги улуш | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай овули | 100 фоиз | 10 фоиз | 1 757 010 000 | 922 363,39 |
| 4. | «Surxon Sun Milk» МЧЖдаги улуш | Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй | 100 фоиз | 15 фоиз | 331 854 200 | 176 073,33 |
| 5. | «Toshkent Qog‘ozi» МЧЖдаги улуш | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | 100 фоиз | 2 фоиз | 23 153 474 000 | 12 284 639,34 |

Аукцион савдоси 2013 йил 14 январь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 11 январь куни соат 18.00.

Юқоридаги улушлар 2013 йил 14 январь кунидаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 21 ва 28 январь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 21 январдаги такрорий савдо учун — 2013 йил 18 январь куни соат 18.00, 28 январдаги савдо учун — 25 январь куни соат 18.00.

**Аукцион шартлари:**

Аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, аукцион савдоси ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

2077A/1442

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 24 НОЯБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

12. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2012 йил 26 ноябрдаги 69/1-қ/қ, 63-қ/қ, 33-қ/қ-сонли қарори.*

**2012 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1845-3 (2012 йил 14 декабрдан кучга киради).**

13. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 6 ноябрдаги 81, 2012-32, 13-сонли қарори.*

**2012 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2312-1 (2012 йил 14 декабрдан кучга киради).**

14. «Тижорат банклари томонидан вексель кафиллиги (аваль)ни расмийлаштириш тартиби ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 ноябрдаги 33/2-сонли қарори.*

**2012 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 521-2 (2012 йил 14 декабрдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси сув таъминоти ва сувоқова коммунал тизимидан фойдаланиш қоидалари, 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 44, 1994 йил 22 апрель), (рўйхат рақами 44-1, 1999 йил 11 март). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 252-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бино ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолашнинг методикаси» (рўйхат рақами 286, 1996 йил 6 декабрь). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 253-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

3. «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш қоидалари» (рўйхат рақами 389, 1998 йил 12 январь). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 254-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

4. «Ҳаммом, сауна, ванна ва чўмилиш хоналаридан фойдаланиш қоидалари» (рўйхат рақами 395, 1998 йил 15 январь). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 255-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

5. «Уй-жой фондидан техник фойдаланишнинг қоида ва меъёрлари» (рўйхат рақами 616, 1999 йил 1 февраль). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 256-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

6. «Қаттиқ ва суюқ хўжалик чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш қоидалари» (рўйхат рақами 647, 1999 йил 20 февраль). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 257-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

7. «Чет эл фуқаролари — уй-жой эгалари томонидан коммунал хизматлар бўйича тўловлар ва уй-жойдан фойдаланиш бўйича тўловлар ва уй-жойдан фойдаланиш бўйича харажатлар узоқ вақт тўланмаган (12 ойдан ортиқ) ҳолда уларнинг кечиктирилган қарзини қоплаш тартиби» (рўйхат рақами 779, 1999 йил 27 июль). *Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 258-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

8. «Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва аҳоли пунктларида турар-жойларни таъминлаш, таъмирлаш ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тўғрисида низом, 1-сон ўзгартиришлар» (рўйхат рақами 1173, 2002 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 1173-1, 2003 йил 1 август). *Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 259-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

9. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома, 1-2-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 1845, 2008 йил 29 август), (рўйхат рақами 1845-1, 2008 йил 13 декабрь), (рўйхат рақами 1845-2, 2010 йил 3 февраль). *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 4 декабрдаги 260-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

10. «Тижорат банклари томонидан вексель кафиллиги (аваль)ни расмийлаштириш тартиб, 1-сон ўзгартиришлар» (рўйхат рақами 521, 1998 йил 9 ноябрь), (рўйхат рақами 521-1, 1999 йил 1 апрель). *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 4 декабрдаги 262-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

САНОАТ КОРХОНАСИ



нostандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,

шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,

электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини

доимий ишга таклиф қилади.

Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.
Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.
Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:
(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov @ mail.ru

1975A/1346



ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

03R/97

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



TUCSON

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner — FIFA WORLD CUP Brasil

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

1121R/101

ИСТЕЪДОД



*Саккиз ёшидан спорт оламига кириб келган наманганлик Мухлиса Абдумаликова кураш туфайли элга танилди. Ўн олти ёшида халқаро майдонда ўз маҳоратини намойиш этди. Аниқроғи, яқинда Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси сафида муваффақиятли қатнашиб, кумуш медални қўлга киритди.*

# Шижоатли Мухлиса

**М**ухлисанинг ҳамқишлоқлари уч карра мамлакат чемпиони бўлган курашчи қиз билан ҳақли равишда фахрланишади. Аслида у спортдаги дастлабки ютуқларига мактабда ўқиб юрган даврларида эришиб, каттаю кичикни лол қолдирган. Ҳар гал рақибининг курагини ерга текказиб, ғалаба нашидасини сурган чоғида кўнглида устозларига бўлган миннатдорлик туйғуси жўш уришини кўп бор таъкидлайди.

— Кураш гиламининг сири, салобати бор, ўзига қатъий ишонч билан майдонга тушган кишигина бу сирни, айни пайтда, рақибини енга олади, — дейди М. Абдумаликова. — Буюк Британиядаги нуфузли чемпионат ҳаяжонини эса асти қўяверасиз. Бироқ олис хорижда миллий курашимизга бўлган қизиқиш, юртимизга кўрсатилган эҳтиромдан барча ҳаяжонлар четга сурилди. Дастлаб Жанубий Африка Республикаси, кейин эса Буюк британиялик курашчи қизларни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олдим. Ҳал қилувчи баҳсдан ҳам умидим катта эди. Бироқ омад рақибим — Хитой тайпейилик Чиа Юн Линга кулиб боқди.

Борнмутдаги кураш Мухлиса учун халқаро спорт сари қўйилган илк қадам бўлди. Гарчи, кумуш медаль билан кифояланган бўлса-да, номдор рақибларга рўбарў туриб, куч ва маҳоратини жиддий синовдан ўтказганига хурсанд.

— Ҳали ҳаммаси олдинда, мен, албатта, чемпион бўламан, — дейди у устози, дзюдо бўйича биринчи тоифали ҳакам Комилжон Бўтаевнинг ўгитларини тинглар экан.

Наманган олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси, спорт усталигига номзод М. Абдумаликова айни кунларда яна бир жиддий беллашув — Самарқандда дзюдо бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон кубоги мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шунингдек, олдинда уни пойтахтда кураш бўйича бўладиган муҳим турнир ҳам кутмоқда. Тоғли Янгиқўрғон туманининг Заркент қишлоғида маҳорати тобланиб, мамлакат спорти байроғини баланд кўтаришга интилаётган курашчи қизнинг эса шашти баланд. Мақсади — ҳар икки мусобақада ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олиш. Бу жаҳон ареналаридаги бўлажак беллашувларда ғолиб чиқиш учун пухта пойдевор вазифасини ўтаб берса, ажаб эмас.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳорат беллашганда ошади

***Осиё футбол конфедерацияси 2014 йилда илк бор ўн тўрт ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатини ўтказишга қарор қилди.***



**Янгилик**

Яқинда ушбу мусобақанинг саралаш беллашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, “С” гуруҳидан жой олган вакилларимиз финал босқичига чиқиш учун Непал, Бутан, Мальдив ороллари, Тожикистон ҳамда Афғонистон футболчиларига қарши баҳс олиб борадилар. Саралаш ўйинларига Непал давлати мезбонлик қилади.

ОФКнинг мазкур чемпионатни ташкил этиш борасидаги ташаббуси ёш футболчиларнинг маҳоратини ошириш, шу орқали қитъамизда футболни янада оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

*Тақдир тақозоси билан ўн ёшида Муҳаммадазиз ногирон бўлиб қолди. Болакай пойтахтдаги шифохоналардан бирида уч ой даволанди...*

*— ТошМИ стадионида сенга ўхшаган болалар тўп тепишади, машғулотларда қатнашишади, бормайсанми? — таклиф қилишди тенгқурлари унинг футболга ишқибозлигидан хабар топгач.*

# Синовларда тобланган ирода

Дарҳақиқат, Муҳаммадазиз миллионлар ўйинининг ашаддий мухлиси, ишқибози эди. Қўлтиғидан тўп тушмасди. Ҳатто тушларигаям футбол тўпи кириб чиқарди. Таклифни эшитиб, кўнгли бирдан ёришиб кетди, қалбида умид учқунлари пайдо бўлди. Иккиланмай айтилган жойга борди...

Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Қийинчиликлардан чўчимай астойдил интилиш, машаққатлар олдида эсанкираб қолмаслик, кучли ирода ва матонат ана шу ниятлар рўёбига йўл очади. Лекин шуниси ҳам борки, орзулар қанчалар юксак бўлмасин, у қўллаб-қувватланмаса, худди кул остидаги чўғдек хира тортиб тураверади.

**Инсон азиз...**

— Бу жиҳатдан кўнглимиз тўқ, омадимизни берган, — дейди андижонлик Муҳаммадазиз Арапов. — Юртбошимизнинг ғамхўрликлари туфайли иқтидоримиз, салоҳиятимизни намойиш қилишимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган.

Муҳаммадазиз тинимсиз машқлар жараёнида чиниқди, тобланди. “Матонат” (эндиликда “Байналминал”) клуби мураббийи Вячеслав Алпатов ундаги қобилиятни илғай олди ва жамоа сафига қўшди. У Россиянинг Сочи шаҳрида ногиронлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этди. Мамлакатимиз терма жамоасининг кучли учликка киришига муносиб ҳисса қўшди. Биласиз, ундан кейинги дунё биринчилигига Тошкент шаҳри мезбонлик қилганди. Бироқ Муҳаммадазиз оёғидаги жароҳат қаттиқ азоб бергани туфайли мазкур нуфузли беллашувда иштирок эта олмади. У яна жарроҳлик столига ётди.

Даволаниб чиққач, Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган мундиалда асосий таркибда майдонга тушди. Ўша йили футболчиларимиз иккинчи ўринни қўлга киритишди. 2007 йилги дунё биринчилигида эса омад мамлакатимиз спортчиларига кулиб боқди. Андижонлик футболчи ҳимоя чизиғида ҳаракат қилган бўлишига қарамай, рақиблар дарвозасига тўп киритиб, муваффақиятга муносиб ҳисса қўшди. Шундай қилиб, йигитларимиз она-юртимизга олтин медаллар билан қайтишди.

2010 йили Аргентинанинг Креспо шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳам учрашувдан-учрашувга маҳорати ошиб, ғалабага ишончи мустаҳкамланиб борган ҳамюртларимиз ажойиб ўйинлари билан ҳеч кимдан кам эмасликларини исботладилар. Бразилия, Англия, Эрон, Аргентина каби терма жамоалардан устун келиб, иккинчи бор бош совринни қўлга киритдилар. Ана шу ғалаба муносабати билан терма жамоамизнинг бир гуруҳ аъзолари Президентимиз Фармонига кўра, Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Муҳаммадазиз Араповнинг кўксини “Жасорат” медали безади.

Яқинда Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида навбатдаги мундиал ўтказилди. Унда 12 та энг кучли терма жамоа совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Турнирдаги барча учрашувларни муваффақиятли якунлаган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси учинчи бор жаҳон чемпиони бўлди. Эришилган ушбу ғалабада Муҳаммадазиз Араповнинг ҳам ҳиссаси катта...

Матонат. Инсон иродасини синовдан ўтказади, умид куртакларини уйғотади. Бошига бирон иш тушганда, эсанкираб қолмай, ўзини қўлга олишга ундайди.

Матонат. Унинг машаққатларини сабр-тоқат, бардош билан енгиб ўтганларни шараф тожи безайди. Номини умридан узоқ яшайдиган шуҳратларга буркайди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.**

# Спортнинг сирли олами

**Дунёда спорт турлари жуда кўп. Бироқ улар орасида оммалашганлари саноқли. Стол тенниси эса ана шу рўйхатнинг юқори поғоналарида туради. Чунки бугун сайёрамизда 40 миллион киши ушбу машғулот билан мунтазам шуғулланаётган бўлса, 4 миллиард одам унинг қоидаларидан яхши хабардор.**



*Ғалаба лаҳзалари.*

Анвар ИЛЁСОВ сурат-лавҳаси.

## Стол теннисининг сеҳру синоати

Айрим манбаларда айтилишича, стол тенниси дастлаб Шарқий Осиё халқлари, хусусан, японлар, кейинчалик хитойликлар томонидан ўйналган. XVI асрга келиб эса у савдогарлар ва сайёҳлар орқали Европага “экспорт” қилинган.

Аввалига стол тенниси “пинг-понг”, (шунингдек, “флим-флам”, “виф-ваф”, “госсим” деган атамалар ҳам мавжуд) деб номланган. Ҳозир ҳам айрим мамлакатларда уни шундай аташади. “Пинг-понг” номи аслида шарчанинг ракетка ва столга урилишидан чиқувчи овозга тақлидан қўйилган.

**Биласизми?**



Мазкур спорт тури кўпчиликнинг эътиборини қозонгач, секин-аста халқаро мусобақалар ўтказила бошланди. Жумладан, дастлабки жаҳон чемпионати 1926 йилда (Халқаро стол тенниси федерацияси — ITTFга асос солинган йил) ташкил этилди. Аммо орадан 62 йил ўтгачгина у Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. Бунда Буюк британиялик муҳандис Жеймс Гибс ташаббуси билан стол тенниси учун жорий этилган оламшумул янгилик муҳим роль ўйнади. Яъни у бир оз қўпол ва оғир резина коптоги ўрнига енгил ҳамда сакровчан целлюлоид шарчадан фойдаланишни таклиф қилди. Айнан шу воқеа стол тенниси ривожига катта туртки берди.

Дарвоқе, 1936 йилда ITTFнинг навбатдаги йиғилишида эски ном — пинг-понг ўрнига “стол тенниси” атамаси қабул қилинди ва бундан кейин барча расмий манбаларда шундай аталадиган бўлди. Яна бир қизиқарли жиҳати, ўша пайтларда стол тенниси партиялари жуда узоқ вақт давом этарди. Масалан, 1934 йили Парижда кечган жаҳон чемпионатида Хагенауэр (франциялик) ва Холдбергер (руминиялик) ўртасида ўтказилган баҳс нақд 8 соатда якунига етган. Бу ҳолат ўйин нуфузига путур етказиши мумкин эди. Чунки шунча вақт тинимсиз ҳаракатланиш жуда мушкул, боз устига, мухлислар ҳам зерикиб қолади. Шу боис 1936 йилдан ўйин вақти 1 соат деб белгиланди. Бугунги кунга келиб эса беллашув тақдири 20 дақиқа ичидаёқ ҳал бўлади.

Ҳозир дунёда стол тенниси бўйича хитойликлар пешқадам саналишади. Улар 8 та жаҳон чемпионатида қатнашиб, жами 40 та олтин медални қўлга киритгани, 1988 йилдан то 2012 йилгача Олимпиада ўйинларида ушбу спорт тури бўйича ғолиблар учун тақдим этилган 28 та олтин медалдан 24 тасига эгалик қилгани фикримиз тасдиғидир. Чин ўлкаси вакилларининг бундай барқарор муваффақияти сири нимада эканига кўпчилик қизиқади. Хорижлик мутахассисларнинг аниқлашича, Хитойдаги аксарият мактабларда ўқувчилар учун стол тенниси билан шуғулланиш худди аниқ фанлар сингари мажбурий этиб белгиланган экан.

Ёдингизда бўлса, 2008 йили Пекин шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида ушбу спорт тури бўйича Хитой шарафини ҳимоя қилган эркаклар ҳам, хотин-қизлар жамоаси ҳам ғолибликни қўлга киритганди. Шундан сўнг Халқаро Олимпия қўмитаси ҳар тўрт йилликнинг навбатдаги мусобақаларида стол тенниси бўйича бир мамлакатдан қатнашадиганлар сонига аниқ чегара қўйишга қарор қилди. Унга кўра, энди ҳар икки йўналишдаги жамоаларда ҳам иштирокчилар 2 кишидан ошмаслиги зарур.

**Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.**

## 10 сонияда 96 метр

***Испаниянинг “Реал Мадрид” футбол клуби ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду ўйин вақтида 96 метр масофани 10 сонияда босиб ўтиб, катта шов-шувга сабаб бўлди.***

Бу воқеа “Қироллик клуби” ҳамда “Атлетико” жамоаси ўртасидаги баҳснинг 77:40 дақиқасида кузатилди. Яъни клубдошлари уюштираётган қарши ҳужумни самарали якунлаш мақсадида ўз жарима майдончаси ичидан югуришни бошлаган ярим ҳимоячи рақиб дарвозаси олдига етиб боргунича 10 сония вақт ўтди. Гарчи ушбу уринишда ҳисоб ўзгармай қолган бўлса-да, мухлислар Роналдунинг гол ура олмаганидан эмас, балки ўқдек учиб келганидан ҳайратга тушишди. Чунки футболда бу жуда кам кузатиладиган ҳолат. Масалан, ямайкалик енгил атлетикачи Усэйн Болт 100 метр масофани 9,58 сонияда босиб ўтиб, жаҳон рекордчисига айланган. Шу боис экспертлар агар Роналду енгил атлетика билан шуғулланса, Болтга жиддий қаршилик кўрсатиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

**Ажабо!**

## Юк машинасини тортди

**Грузиялик паҳлавон Лаша Патарая саккиз тоннадан оғир автомобилни қулоқлари билан тортиб, янги жаҳон рекордини ўрнатди.**

Бу 32 ёшли спортчининг еттинчи рекорди ҳисобланади. Лаша биринчи бор ана шундай муваффақиятга 2003 йилда эришган эди. Ўшанда у 2,35 тонналик микроавтобусни қарийб 50 метрга судраб борган. Шунингдек, баҳодир қулоқлари билан 52,5 килограмм тош босадиган юкни 19,9 сония кўтариб тура олган.

Лаша Патарая аслида эркин курашчи бўлиб, оғир буюмларни кўтариш билан мунтазам шуғулланади. У шу пайтгача тўртта турли вазндаги автоулов ҳамда саккиз тоннага яқин вертолётни жойидан силжитиб, мухлислар олқишига сазовор бўлган.

**Ана холос!**

**Халқимизда “От ўрнини той босар”, деган ажойиб нақл бор. Бу ибора фарзанднинг ота касбига ҳавас қилиб, унга муносиб ворис бўла олганидагина қўлланилса ўринли бўлади, назаримизда. Негаки, бунга ҳамма ҳам эриша олмайди. Дунёга машҳур футболчилар ҳаётига оид маълумотлар билан танишиб, шундай хулосага келдик.**

## Тақдирни такрорлаб бўлмайди

**Г**апни футбол қироли Пеленинг ўғли Эдсон Чолби Насименто ёки қисқача Эдиньодан бошласак. У аввалига ота касбини танлаган. Шунда кўпчилик “Яқин йиллар ичида яна бир ажойиб ҳужумчи кўзга ташланади, афсонага айланади”, дея тахмин қилганди. Қарангки, Эдиньо дастлаб “Сантос” клубида дарвозабон амплуасида майдонга туша бошлади. Кўнгил-да, унга буйруқ бериб бўлармиди. Кейинчалик “Португезу” ва “Сан-Каэтану” жамоалари шарафини ҳимоя қилди. Аммо 1999 йилда Эдиньо катта футбол билан хайрлашди. Ўшанда у 29 ёшда эди. Бунга нима сабаб бўлгани ҳақида аниқ далиллар йўқ. Аммо буюк футболчининг ўғли кейинчалик ноқонуний савдо ишларига аралашиб қолди, деган гап-сўзлар “болалайди”. Ҳатто у



бу борадаги фаолияти боис мамлакатда футболдаги мавқеидан кўра машҳурроқ бўлиб кетгани айтилади. Пеленинг насиҳатлари таъсир қилибми ёки отасининг обрў-эътиборига соя солаётганини вақтида англаб етгани учунми, ҳар ҳолда Эдиньо дарров этагини йиғиб олади. Футбол қиролининг ўғли ҳозир “Сантос” клубининг мураббийлар штабида фаолият юритмоқда.

**Д**унёнинг энг яхши футболчиларидан бири Диего Марадонанинг ўғли Диего Синагранинг ҳам машҳур юлдуз бўлиши тахмин қилинганди. Ўз иқтидори билан Италия ёшлар терма жамоаси шарафини ҳимоя этган кичик Диего, афсуски, катта футболда ўрнини топа олмади. У клубдан бу клубга кўчиб юриб чарчаган Синагра охири ўз имкониятини пляж футболида синаб кўришга қарор қилади. Эътиборлиси, унинг ушбу спорт турида анча омади чопди. Италия терма жамоаси таркибида жаҳон кубогида иштирок этди. Кейинчалик “Наполи” клубига ўтди ва ушбу жамоанинг мамлакат чемпиони бўлишида ҳисса қўшди. Синагра ҳозир 26 ёшда. Шу боис унинг яна анча йиллар пляж футболида катта натижаларга эришишига умид қилса бўлади.





**Д**аниялик машҳур дарвозабон Петр Шмейхелнинг ўғли Каспер Шмейхель отасидек таниқли посбон бўлишни истаганди. Аммо фақат хоҳиш билан бунга эришиб бўлмас экан. Масалан, Каспер ҳозиргача “Манчестер Сити”, “Ноттс Каунти”, “Лидс” жамоалари либосини кийган. Бироқ асосий таркибдан жой ололмаган. “Лестер Сити”даги аҳволи ҳам шундай давом этмоқда. 26 ёшга тўлган Каспер ҳали-ҳамон аҳдидан қайтадиганга ўхшамайди. У барибир футбол оламида ном қозонишга уринмоқда.



**Г**олландия футболининг фахрига айланган Йохан Кройфнинг яшил майдондаги хатти-ҳаракатларини кўпчилик яхши эслайди. Унинг ўғли Хорди ҳам ота касбига меҳр қўяди. Шу боис Йохан ўғлининг маҳорати сайқал топиши учун уни “Аякс” академиясига жойлаштириб қўяди. Хорди 20 ёшга тўлганида эса “Барселона” клуби либосини кийишга муваффақ бўлади. Ўша пайтда бу жамоада унинг отаси бош мураббий сифатида фаолият олиб борарди. 20 ёшида “Барселона”да дебют ўтказган Хорди бошида фойдали ўйинчидек кўринганди. Аммо клубнинг кетма-кет муваффақиятсизликлари туфайли Йохан Кройф истеъфога чиқарилади. Табиийки, унинг ўғли ҳам жамоани тарк этади. Ўшанда уни 1,6 миллион фунт-стерлинг эвазига “Манчестер Юнайтед” клуби сотиб олганди. Уч йил “қизил иблислар” сафида ҳаракат қилган футболчи (бу орада бир йил “Селтик”да ижарада ҳам ўйнаб қайтади) Англияда ўзидан айтарли яхши ном қолдирмади. Кейинчалик Испаниянинг “Алавес”, “Эспаньол”, Украинанинг “Металлург” ва Мальтанинг “Валлетта” клубларида ўйнаган Хорди шу бўйи сувга тушган тошдек йўқ бўлиб кетди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5